

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658

Салимов Сарвархон Мурадович

ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ
КЕНГАЙТИРИШДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
(Акциядорлик жамиятлари мисолида)

5A230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”
мутахассислиги бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Махкамбоев А.Т.

Тошкент- 2019


Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиётни либераллаштириш шароитида мамлакат иктисодиётида ижара муносабатларини ўрни илмий асосланган, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтиришда ижара муносабатлари ҳисобининг амалдаги ҳолати тадқиқ қилинган ҳамда унинг ҳисобини халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation the dissertation defines the role of leasing relations in the economy of the country in the context of scientific-based, cross-sectoral industrial cooperation, and has developed scientific recommendations and practical recommendations to improve its accountability with international standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:


« 7 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: доц А.Т.Махкамбоев


имзо 25.05.19
сана

Магистр: С.Салимов


имзо 25.05.20
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
муdiri проф. Р.Холбеков 
“ 01 ” 07 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “ 02 ” 07 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I–БОБ. ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Мамлакат иқтисодиётида ижара муносабатларининг тутган ўрни ва уларни ривожланиш босқичлари	9
1.2. Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида ижара муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва ҳисобининг назарий асослари	14
1.3. Ижара муносабатлари ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асослари	21
1-боб бўйича хулоса	28
II–БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ	31
2.1. Акциядорлик жамиятларида ижара муносабатларини дастлабки ҳисобини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари	31
2.2. Акциядорлик жамиятларида ижарага берилган ва олинган асосий воситаларни ҳисоби	37
2.3. ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” акциядорлик жамиятида молиявий ижара ҳисоби ва унинг такомиллаштириш асослари	47
2-боб бўйича хулоса	55
III–БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	57
3.1. Ижара муносабатлари ва унинг ҳисобини ташкил қилишда ҳориж тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари	57
3.2. Акциядорлик жамиятларида ижара муносабатлари ва унинг ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари	66
3-боб бўйича хулоса	73
ХУЛОСА	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Кейинги йилларда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да белгилаб қўйилган “Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, жумладан суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажминини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”¹ йўналиши бўйича олиб борилиши лозим бўлган устувор вазифалар билан бир қаторда субъектларда амалга оширилаётган лизинг муносабатлари натижасида олиб келинган замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларга доир ҳисоблашишларни тўғри олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиёти либераллаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларини асосан бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисобларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда ижара муносабатларининг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, уларга сарфланаётган харажатларни харажат объектларига кўра объектив тақсимлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.